Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 13 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 81 (7174)

Da'vat

Инсоннинг қиммати
эмас сийму зар,
Инсоннинг қиммати
илм ҳам ҳунар.
БЕДИЛ

Ibrat

Наманган туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалиги томонидан шу ҳудуддаги 3-мактаб ўқитувчилари ва хизматчиларига ёрдам тариқасида бир тонна шоли ва бир тонна ўсимлик мойи ажратилди.

JUMLADA JAHON

• Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди.

• «Буюк ипак йўли бўйлаб туризм» 5-Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ўз ишини бошлади.

• Тошкент Давлат университети филология факультетида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган илмий- маърифий анжуман ўтказилди.

• Пойтахтдаги «Байналмилал» маданият марказида «Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили» мавзуида илмий семинар бўлиб ўтди.

• Қўқондаги «Мастона» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган «Юмалоқ» шароби Ялтада ўтказилган халқаро кўргазмада олтин медаль билан тақдирланди.

• 12—22 октябрь кунлари ЮНЕСКО ижроия кенгаши яширин овоз бериш йўли билан мазкур халқаро ташкилотнинг янги раҳбарини сайлайди.

• Буюк Британиялик Жорж Робертсон яқинда НАТОнинг бош котиби лавозимига сайланди.

• Германия генерали К.Рейнхард Косоводаги халқаро тинчликни ўрнатувчи кучларга келгуси йилнинг баҳоригача қўмондонлик қиладиган бўлди.

• Исроилнинг жанубида рўй берган автомобиль ҳалокати оқибатида 15 киши ҳалок бўлди, 30 дан ортиқ киши жароҳатланди.

НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

Jarayon

Мамлакатимизда сайловолди жараёнлари қизғин паллага кирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни кенг жамоатчиликка эълон қилиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

1999 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясининг навбатдаги III Қурултойи бўлиб ўтди. Қурилтой кун тартибига қўйилган ўнта масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши биринчи котиби А.Жалолов партия Марказий Кенгашининг сиёсий ҳисоботи тўғрисида маъруза қилди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзодини кўрсатди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 250 та сайлов округлари бўйича номзодлар рўйхати тасдиқланди.

Жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, марказий идоралар, айрим вазирликлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтган Қурултойда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Маълумки, шу кунгача Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясининг II Қурултойи ҳамда «Ватан тараққиёти» партиясининг V Қурултойи бўлиб ўтган эди. Шу муносабат билан пойтахтдаги Миллий Матбуот марказида партиялар етакчилари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. «Адолат» социал демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Т.Даминов журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, Қурултой кун тартибига қўйилган масалалар хусусида атрофлича тўхталди. Т.Даминов партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб Ислом Абдуғаниевич Каримов кўрсатилганлигини таъкидлади. Шу билан бирга, ўзининг 4 йиллик фаолияти билан 39 минг аъзога эга бўлган «Адолат» социал демократик партиясидан Олий Мажлис депутатлигига 179 номзод рўйхатга олингани эълон этилди. Партия шу давргача Олий Мажлис фракциясидаги иштирокини изоҳлаш билан бирга, амалга тадбиқ этилган «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунларининг яратилишида принципиал таклифлар билан қатнашганлигини мамнуният билан эътироф этди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари, маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар билан Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси етакчиларининг учрашуви ҳам сермазмун кечди. 1992 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган «Ватан тараққиёти» партияси Сиёсий кенгаши раиси Ахтам Турсунов бўлиб ўтган V Қурултой якунлари, кўрилган масалалар ҳамда қабул қилинган қарорлар борасида атрофлича маълумот берди.

«Ватан тараққиёти» партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини кўрсатганлигини маълум қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 178 нафар номзодлар кўрсатилди. Партия Сиёсий кенгашининг биринчи котиби А.Турсунов журналистлар эътиборини партия фаолият дастури, Низоми, мақсад ва вазифаларига қаратди.

Айни пайтда Олий Мажлис фракциясида 15 овозга эга бўлган «Ватан тараққиёти» партияси мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, янги ишчи ўринларини кўпайтириш, ёшлар муаммоларини ҳал этишда муваффақиятли иштирок этаётганини таъкидлади. Сайловдан сайловгача ўтган муддатда партия аъзоларининг сони 15 мингга ортганлиги маълумот учун билдирилди.

Фахриддин КАРИМОВ

ҒОЯ БИРЛАШТИРАДИ

агар у эзгу бўлса нурли манзилга элтади

Yoshlar tashkiloti

Ижтимоий турмушимизнинг барча жабҳаларида кечаётган туб ислоҳотлар - бугун ўзбек халқининг эртанги куни яратилаётганини билдиради. Айниқса, таълим соҳасидаги янгиланишлар, ривожланишлар бу улуғ ишга пойдевор бўлаётганлигини эътироф этиш ўринлидир.

Амалиётдан шу нарса маълумки, бирор маслакнинг ижобати ва муваффақияти учун, албатта, уни амалга ошириш механизмлари пухта бўлиши керак. Ҳаётимизга татбиқ этилган «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунлари ҳам ана шундай механизмларни ўзида мужассам этган. Таълим тизимини замонавий компьютер техникалар билан таъминлаш, янги педагогик технологияни жорий этиш ва соҳадаги кадрлар тайёргарлигини ошириш орқали янги сифат босқичига кўтариш шулар жумласидандир.

Келажак авлоднинг баркамол бўлиб етишиши учун яна бирор муҳим омил борми, деган савол туғилиши табиий. Айни пайтдаги таълим-тарбия жараёнида кечаётган тажрибага таяниб, бу саволга «бор» деб жавоб бериш мумкин. Шу йил июнь ойида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида ана шу омил таъкидланган: **«Мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиш, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим».**

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси шу йил август ойида «Болалар ташкилотлари ҳақида» махсус буйруқ қабул қилган эди. Ҳозирда ўқувчи-ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни мактаб ҳаётида изчил қатнашшларини таъминлаш, ўсмирларда демократик ҳуқуқ тушунчаларини, жавобгарлик ҳиссини шакллантириш мақсадида дастлабки қадамлар қўйилди. Болалар ва ўсмирларнинг ҳозирги кундаги талаб ва интилишларига жавоб берадиган, ўз-ўзларини бошқарадиган ташкилотлар тузилмаганлиги таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатиши педагоглар томонидан кўп ҳолларда эътироф этиларди. Янги ўқув йили бошланишида пойтахтдаги бир қатор мактабларда ташкилий ва мазмуний жиҳатдан янги болалар ташкилотлари юзага келди ҳамда фаолият кўрсата бошлади. Улар турли ёшдаги ўқувчиларнинг бирлашган жамоаларини ташкил этишни, жамоадаги ҳар бир ўқувчи ўзини эркин ва фаол ҳис этишини, жараёнда мустақил қатнашишини, бўш вақтни фойдали ўтказишни, ижобий мафкуравий таъсирни кучайтиришни мақсад қилиб олганлар.

Ана шундай ташкилотлардан бири – Юнусобод туманидаги 239-мактабда ташкил этилган «Истиқлол келажаги» жамоат ташкилотининг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ташаббускор ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашдик.

«Истиқлол келажаги»нинг ташкилотчиларидан бири Насиба опа Раҳимова:

— Аввало, ушбу ўқувчи-ёшлар ташкилотини тузиш учун мавжуд бўлган эҳтиёжлар хусусида тўхталсам. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ҳар бир бола жамоада демократик ҳаёт кечиришга, ўз имконият ва иқтидорини намоён этишга, атрофдагилар билан ҳамкорлик ҳамда мулоқот қилишга, ташкилотчилик ва ўз-ўзини бошқариш тажрибасига эга бўлишга эҳтиёж сезади. Шуларни ҳисобга олиб, «Истиқлол келажаги» ўсмирлар ва ёшларнинг жамоат ташкилотини тузишга муваффақ бўлдик. Унинг аъзолигига, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг фарзандиман деган барча 1—11-синф ўқувчилари ихтиёрий равишда қабул қилинади. Ташкилотнинг мақсади ўсмир ва ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, Ватан туйғуси, ўз халқи ва юртига меҳр-муҳаббат, садоқат ҳисларини шакллантириш, ҳар қандай ақидапарастлик, экстремистик ва шовинистик оқимларга қарши онгли муносабатда бўлиш салоҳиятини юксалтиришдан иборат. «Истиқлол келажаги» уч поғонадан иборат бўлиб, беш йўналишда фаолиятини бошлади.

1-йўналиш: «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Комил фарзанд - юрт фахри».

2-йўналиш: «Тупроғинг суртаман кўзимга, Ватан!», «Ўлкашунослик Ватан тарихини ўрганишдан бошланади».

3-йўналиш: «Ўтмишсиз келажак йўқ», «Боболар руҳи қўлласин сени».

4-йўналиш: «Ўзбекистон - ҳуқуқий давлат», «Мен сенинг ҳимоянгдаман, Қонун».

5-йўналиш: «Руҳан ва жисмонан бақувват танда теран ақл бўлади».

(Давоми 3-бетда)

Ўқитувчи ёш дафтарига

АЙСБЕРГНИНГ САЁҲАТИ

Чилидаги Антарктида институти вакилларининг хабар қилишларича, улкан муз майдонидан ажраб чиққан баҳайбат айсберг Антарктида сувларида сузиб юрибди. Кемалар қатновига жиддий хавф туғдирувчи бу музликнинг узунлиги 66 км., эни 18 км.га тенгдир. Мутахассислар айсбергнинг сузиш йўналишини мунтазам кузатиб турибдилар.

ҲАММА ТААЖЖУБДА

Венгрияда яшовчи 4 ярим яшарлик Моника Хайинал исмли қизалоқ бугун ҳатто мутахассисларни ҳам тааж-жубга солиб қўймоқда. Қизиғи шундаки, Моника умуман оғриқни сезмайди. Текшириш чоғида врачларнинг укол қилишию қаттиқ чимчилашлари ҳам унга асло таъсир кўрсата олмади.

ИХЧАМ ВА АРЗОН

Америкадаги Массачусетс университетининг автоматик қурилмалар бўйича мутахассиси Х.Шрикумар митти компьютер яратишга муваффақ бўлди. Аспирин таблеткаси ҳажмига тенг бўлган бу қурилма ёрдамида Интернет тармоғи билан боғланиш ҳамда уйдаги электр жиҳозларини бошқариш мумкин.

НОЁБ ТОПИЛМА ЎҒИРЛАНДИ

Германиянинг Мюнхехаген шаҳридаги «Фрайлихт» музейида сақланаётган ноёб топилма — динозавр тухуми номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилди. Ер тагидан топилган, ёши 95 миллион йилга тенг деб баҳоланган бу тухум ҳанузгача бус-бутун сақланаётган эди. Тахминларга қараганда, ўғирлик хусусий коллекциячиларнинг буюртмаси бўлиши мумкин.

ИЖРО ДАВРИНИНГ МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРИ

Муаллиф фикри

Ҳар қандай миллатнинг ривожланганлик даражаси шу миллат педагогикасининг тараққиёт даражасига мутаносиб бўлади. Шунинг учун эртасини таъмин этмоқчи бўлган миллатлар таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қиладилар. Ўзбекистон ҳукуматининг миллий педагогика равнақини таъминлашга айрича эътибор қилаётганлиги, таълим-тарбия ишининг умумдавлат ва умуммиллат масаласига айлантирилганлиги кишида ўзбекларнинг келажаги порлоқ бўлишига умид уйғотади.

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Таълим тараққиёти» ахборотномасининг 1-махсус сони у билан танишганларда умидбахш кайфиятлар ҳосил қилиши табиий. Чунки мазкур нашрда «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти», унга иловалар ҳамда «Она тили», «Адабиёт» ва «Ўзбек тили»дан ўқув дастурлари эълон қилинган.

Педагогика билан қай даражададир шуғулланган ҳар қандай одам биладики, таълим стандарти тушунчаси Ўзбекистонда пайдо бўлганига ҳали 10 йил ҳам бўлгани йўқ. Ҳолбуки, кун ботиш мамлакатларида бу ҳақда гапирила бошланганига чорак асрдан ошиб кетди. Гап шундаки, ҳозирга қадар дунёдаги бирорта мамлакатда таълим стандартлари расмий давлат ҳужжати сифатида тасдиқланиб, амалиётга татбиқ қилингани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 390-қарори шу жиҳатдан ғоят ноёб ва диққатга сазовор ҳодиса бўлди.

Мазкур қарор миллий педагогик тафаккурни янгилаш, илғор педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига жалб этиш борасида тарғиб, ташвиқ ва чақириқ даври якунланиб, ижронинг мажбурийлиги босқичига ўтилганлигидан далолатдир. Зеро, давлат томонидан чиқарилган ҳужжатнинг сўзсиз ва тўлиқ ижроси жоиздир.

Давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқилиши ва жорийлашуви фақат бир мамлакат учун аҳамиятли бўлиб қолмай, балки дунё халқлари ақлий-маънавий тараққиёти мезонларини белгилаш нуқтаи назаридан эътиборга моликдир. Инсон тафаккурининг қудрати ошиб боргани сари унинг маънавияти ҳал қилувчи кучга айланиб бораверади. Негаки, бир замонлар бирор одамнинг маънавий қашшоқлиги фақат атрофидагиларга зарар етказган бўлса, эндиликда бу зарарнинг миқёси ғоят улканлашиб кетди. Қандайдир бир миллиардер мутаассибнинг жоҳиллиги туфайли ундан неча минг чақиримлар узоқдаги бегуноҳ кишилар қони тўкилаётганлиги шундан далолат. Бас, одамлар бу дунёда бирга яшашга маҳкум эканлар, ақлий даражалари, маънавий тараққиётларига кўра ўзаро яқин бўлишлари лозим. Шунда уларнинг бир-бирларини англашлари осон кечади. Таълим стандартлари айни шу вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ОБУНА — 2000

Таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислоҳотлар табиий равишда ушбу соҳа ходимларининг ахборотга, янгиликка бўлган эҳтиёжини оширади. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги кўплаб нашрлар эса бу талабни қондиришда энг тезкор, энг қулай ва энг самарали восита сифатида ўзини оқлаб келмоқда.

Ҳурматли таълим-тарбия муассасалари раҳбарлари, педагоглар, тарбиячилар! 2000 йил учун Сизнинг ҳамиша ёрдамчингиз бўлиб келган қуйидаги газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Ўйлаймизки, янги йилда ҳам Сиз азизлар билан бирга бўламиз.

«Ma'rifat » газетаси
Нашр индекси: якка обуначилар учун – 149,
ташкилотлар учун — 150

«Учитель Узбекистана» газетаси
Нашр индекси: якка обуначилар учун — 216,
ташкилотлар учун — 217

«Таълим тараққиёти» ахборотномаси
Нашр индекси: якка обуначилар учун – 1056,
ташкилотлар учун — 1057

«Халқ таълими » журнали

Нашр индекси — 904.

«Тил ва адабиёт таълими» журнали
Нашр индекси — 872.

«Бошланғич таълим» журнали
Нашр индекси: якка обуначилар учун – 802,
ташкилотлар учун — 803.

«Соғлом авлод учун» журнали
Нашр индекси: — 857

«Мактабгача таълим» журнали
Нашр индекси — 1038.

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚИ

ёки ундан қандай фойдаланаяпмиз?

Ijtimoiy fikr

Ҳар бир инсон биринчи навбатда ўзининг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини билиши шарт. Ҳақ-ҳуқуқи, эркинлигининг кафолатларини билмаган киши ўзини ҳимоя ҳам қила олмайди, ўзини ҳимоя қилиш воситасини билмаган киши табиийки, ота-она, оила, Ватан, жамият олдидаги бурчини ҳис қилиши қийин.

Гап инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари устида борар экан, айниқса, ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг ҳуқуқий маърифатли инсонлар бўлиши демократик жамиятнинг сиёсий барқарорлиги масаласида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ҳуқуқий, фуқаролик, демократик жамиятдагина аҳамияти жиҳатидан ҳуқуқий саводхонлик ахлоқий категория даражасига кўтарилади.

Хўш, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси қандай? Бу борада республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан ўқувчи ва талаба ёшларнинг ўз ҳуқуқлари ҳамда бурчлари ҳақидаги билимини аниқлаш мақсадида «Ёшлар ўз ҳуқуқлари ҳақида» мавзуида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари диққатга сазовордир. Ушбу сўровнинг мақсади ўқувчи ва талаба ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги билимини аниқлашдан иборат бўлиб, жорий йилнинг 16—21 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрининг мактаблари, лицей ва коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида анкета тўлдириш йўли билан ўтказилган. Унда жами 927 киши, жумладан, мактаб, лицей ва коллежларнинг 517 нафар ўқувчиси ҳамда олий ўқув юртларининг 410 нафар талабаси қатнашган.

Сўровда иштирок этганлар(респондентлар)нинг ёши ва жинси жиҳатдан таркиби қуйидагича: йигитлар - 50,6% (469 киши) ва қизлар 49,4% (458 киши); 16 ёшгача - 31,9% (296 киши), 16 ёшдагилар - 21,8% (202 киши), 17 ёшдагилар - 12,4% (115 киши), 18 ёшдагилар - 12,7% (118 киши), 19 ёш ва ундан юқорилар - 21,1% (196 киши). Миллий таркиби - ўзбеклар - 75,3% (698 киши), Марказий Осиёнинг бошқа миллатлари - 4,4% (41 киши), славян халқлари вакиллари 12,4% (115 киши), бошқа миллатлар - 7,8% (73 киши).

Ёшлар мамлакатимизнинг асосий Қонуни ҳақидаги муайян билим ва тасаввурга эга. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қай даражада биласиз?» деган саволга 23,9 фоиз ёшлар «яхши биламан», 73,0 фоизи «қисман биламан», 3,1% фоизи «билмайман» деб жавоб берганлар.

Февраль воқеалари иштирокчилари, шунингдек, халқимиз урф-одатлари, динимизга мутлақо ёт бўлган оқимларнинг, террорчи гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолганларнинг аксарияти ёшлар эканлигини эътироф этган ҳолда, улар амалдаги қонунларни, жумладан, Жиноят Кодекси билан таниш бўлмаганлар деган хулоса чиқаришимизга тўла асослар бор. Ачинарлиси, бу қабиҳ ишлар учун ўсмирларни йўлдан уришга ҳаракатлар бўлди ва у ҳали таг-томири билан тўлалигича даф этилгани йўқ. Тан олиб айтишимиз керакки, ёшларимиз Жиноят Кодексини етарлича билишмайди. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексини ўқиганмисиз?» деган саволга 54,5 фоиз киши қисман ўқиганлигини, 14 фоизи эса тўла ўқиганлигини ва ҳар учинчи респондент (31,3%) ўқимаганлигини билдирди. Энг ачинарлиси, ўтиш ёшидаги - 16 ёшгача бўлган ўсмирлар Жиноят Кодексидан энг кам хабардорлар. Уларнинг 37,5 фоизи, яъни 111 киши «ўқимаганман» деб жавоб беришган.

(Давоми 3-бетда)

ИЖРО ДАВРИНИНГ МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Китобда ДТСнинг ижтимоий мувофиқлаштирувчилик, таълимни гуманизациялаш, уни бошқариш, таълим савиясини ошириш ва назорат қилиш сингари функциялари мавжудлиги чуқур асослаб берилган (142-бет).

Вазирлар Маҳкамаси Раиси томонидан тасдиқланган қарорда илк бор умумий ўрта таълимнинг бош мақсадини, билимдон ўқувчи тайёрлаш эмас, балки **баркамол шахсни** шакллантириш эканлиги алоҳида таъкидланган. Негаки, билимдонлик билан комиллик ҳамиша ҳам тўла мувофиқ келавермайди. ДТС таълим жараёнида ўқувчиларнинг фақат **бошига** эмас, балки **қалбига, руҳига** ҳам эътибор қаратиш лозимлигини талаб қилади. Педагогика ўз олдига комил шахсни шакллантириш мақсадини қўяр экан, биринчи навбатда, тарбияланаётган шахснинг маънавий сифатларини таркиб топтиришни кўзда тутади. Бу ҳолни ДТСда берилган таянч ўқув режадан ҳам билса бўлади. Педагогика илми ва амалиёти билан шуғулланган ҳар қандай одам биладики, шу вақтга қадар ўрта таълим ўқув режалари предмет мантиғига амал қилинган ҳолда тузиларди. Истиқлол даври ўзбек педагогикаси ўқув режасининг шахсни шакллантириш мантиғига мувофиқ бўлишини талаб қилди. Ҳар бир ўқувчининг баркамол инсон сифатида тарбияланмоғи учун зарур бўлган ақлий, маънавий, руҳий фазилатларнинг йўналишлари белгиланиб, ўқув предметлари ана шу саккиз йўналиш атрофига бирлаштирилган.

«Таълим тараққиёти» ахборотномасининг 1-махсус сонидан жой олган «Она тили», «Адабиёт» ва «Ўзбек тили» ўқув дастурлари ҳам педагогик жараёнга ёндашувнинг янгичалиги, муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хослиги билан диққатга моликдир.

Чунончи, «Она тили» дастурида биринчи марта она тили ўқитишнинг бош мақсади соғлом педагогик тафаккур тамойиллари асосида белгиланган. Шунинг учун ҳам она тили предмети ўқувчиларга лингвистик қоидаларни ёдлатиш эмас, балки аниқ, тушунарли, таъсирчан, саводли сўзлаш ва ёзишга одатлантириш воситаси эканлигига келишилган. Тилга доир ҳодисалар муайян грамматик қоидаларни изоҳлаш омили эмас, балки лингвистик таърифлар тил ҳодисасига хос белгиларни тайин этиш натижаси эканлиги ҳисобга олинган. Адабиёт ўқитишнинг бош мақсади, комил шахс маънавиятини шакллантириш эканлиги дастурда алоҳида таъкидланган. Шунингдек, унда шахснинг комиллигига чақириғу даъватлар орқали эмас, балки муайян педагогик вазифаларни бажариш йўли билан эришилиши қайд этилган.

«Адабиёт» бўйича ДТСда ҳам, ўқув дастурида ҳам ўқувчи таълим жараёнининг тингловчисидан, иштирокчисига, ундан ижрочисига, бошқача айтганда, таълим жараёнининг объектидан субъектига айланиши жоизлиги алоҳида таъкидланган. Бунинг учун ўқувчиларни бадиий матнни ўқийдиган, ўқиганини тушунадиган, тушунганини таҳлил қиладиган, таҳлилини хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки равон ифодалай биладиган таъсирчан шахслар сифатида шакллантириш лозимлиги ҳисобга олинган.

Мустақил шахсларсиз мустақил мамлакат бўлмаслиги, мустақил фикрлашсиз мустақил шахс бўлиши мумкин эмаслиги боис ҳар бир ўқувчини мустақил фикрлайдиган тарзда тарбиялаш дастурда ғоят пухта ҳисобга олинган. Унда мустақил фикрлаш ўзини англашдан, ўзини англаш эса ўзгани тушунишдан бошланиши таъкидланган. Адабиёт дарсларида ҳар бир ўқувчининг ўз ҳақиқати мавжудлиги, бадиий асар юзасидан ҳаммага мажбурий бўлган ягона ҳукм – хулоса чиқарилиши мумкин эмаслиги ўринли кўрсатилган. Шунингдек, дастурда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар хоҳишига мувофиқ ўқув материалларининг 10-15 фоизи ўзгартирилиши, алмаштирилиши мумкин эканлиги таъкидланиб, педагогик демократияга имкон берилган.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун «Ўзбек тили» ўқув дастури тил ўргатиш бўйича дунё амалиётидаги энг самарали усуллардан фойдаланиш кўзда тутилган ҳолда яратилган. Унда грамматик тамойилга эмас, балки нутқий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган коммуникатив тамойилга амал қилинган. Шунинг учун ҳам дастурда ўқувчиларни ўқитиш эмас, балки уларни нутқий коммуникатив вазиятда фаолият кўрсатишга йўналтириш ҳисобга олинган.

Хуллас, миллий педагогик мақсадларни амалга ошириш учун энг зарур бўлган асосий, меъёрий ҳужжатлар тўлиқ яратилди. Эндиги гап бу ижронинг нечоғлик тўғри амалга оширилувида, демак, ўқитувчида.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари доктори

САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

«Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади»
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117 - моддасидан)

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги демократик жараёнларнинг асл ифодаси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатларига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ўтказишга саноқли муддатлар қолмоқда. Бўлажак сайловларнинг мамлакат келажагига, халқ тақдирига даҳлдор эканлиги барчага аён. Негаки, депутат ўз сайловчиларининг хоҳиш-истакларини намоён этади. Демак, унга чексиз масъулият юкланади. Сайловчиларнинг масъулияти эса ўз тақдирини, эртанги кунини муносиб номзодга ишониш, ишончини ўз овози билан эътироф этишдан иборат.

Ҳуқуқий демократик жамият сари бораётган Ўзбекистонимизда кутилаётган сайловларнинг асосий принциплари нималардан иборат? Маълумки, ҳаётимиз қомуси, — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайловларнинг умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ва яширин овоз бериш принциплари белгилаб қўйилган.

Умумийлик — Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг сайловларда ихтиёрий иштирок этишини билдиради.

Тенглик — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эга эканлигини англатади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи - депутатларнинг фуқаролар томонидан бевосита, ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз сайланишларини ифодалайди.

Яширин овоз бериш – сайловчиларнинг ўз-ҳоҳиш иродасини эркин, яширин, шунингдек, назорат қилиш ва аралашишларсиз билдиришидан иборат.

Юқоридаги жумлалардан кўринадики, сайловлар ҳар бир онгли, ҳур фикрли шахс учун ҳам бурч, ҳам имконият, ҳам ҳуқуқ, ҳам масъулият.

Ф.КАРИМОВ

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Бухорода вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда маданият ишлари бошқармалари, ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, «Фидокорлар» миллий демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда Бухоро Давлат университети билан ўзаро ҳамкорликда «Элим деб, юртим деб, ёниб яшайлик» ижодий гуруҳ тадбирлари ишлаб чиқилиб, унинг фаолияти ва мақсади вилоятдаги ўрта махсус, касб- ҳунар ўқув юртлари талаба-ёшлар орасида республикамизда мустақиллик шарофати билан амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳияти, маънавий-ахлоқий, диншунослик ва ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ғоя, миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, уларнинг бадиий-эстетик эҳтиёжларини қондириш ва Президентимиз И. Каримовнинг рисолалари, асарларини атрофлича тушунтириш ҳамда ушбу мавзуларда жонли мулоқотлар уюштириш белгиланган.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Гала-Осиё шаҳридаги 1-касб-ҳунар билим юртида ўтказилди. Бу тадбирда ўқув юрти талаба-ёшлари ва педагогик жамоаси вилоятнинг ёзувчи-шоирлари, ижодкор ёшлар, маданият ва санъат арбоблари билан жонли мулоқотда бўлдилар.

Талаба-ёшлар ёзувчи ва шоирларнинг ижодларидан намуналар ўқиб бердилар.

З. ЭРГАШЕВ,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими талаба-ёшлари вилоят маданият уйи директори

ЛИБОСДА МАЪНАВИЯТ АКС ЭТАДИ

Mulohaza

Ўқувчи либоси, унинг бир талай афзалликлари ҳақида кўп ва хўб гапирилди. Шунга қарамай жойларда ҳали-ҳануз бунга тўлиқ ўтилмаганлигини, ўтилиши шартлигини назарда тутган ҳолда ушбу мавзуга яна бир бор қайтишни лозим топдик.

Аслида одамни ҳайвондан ажратиб турадиган бир талай унсурлардан бири бўлган кийим зарурияти нимада? Келинг, бу ҳақда ортиқча таърифга берилмай, уни инсоният мавжудлигини, қолаверса, унинг умри давомийлигини таъмин этган муҳим восита бўлиб келаётганлигига урғу берайлик. Яқинда хориж матбуотида Германия ёшларининг бир гуруҳи орасида ижтимоий сўров ўтказилганлиги ҳақида ёзибди: мақсади ўсмирларда инсонгагина хос бўлган шарму ҳаё даражасини аниқлаш бўлган бу суриштирув натижаси аянчли хулосани берган. Яъни сўровга тортилганларнинг деярли барчаси намойишкорона онадан қандай туғилган бўлса, шу ҳолда ўзини-ўзи кўз-кўз қилишдан тап тортмаслигини билдирган. Албатта, ёшларда айнан ҳаё, ибо, уят каби тушунчаларнинг тобора камайиб бораётганлиги ҳозирда дунёни ташвишга солмоқда. Сабаби, унинг ортидан келадиган кўпгина касофатлар бошимизда ғужғон ўйнаб турибди. Шу ўринда кийим, кийиниш одоби, ҳаё, ибо ҳақида Шарқ халқлари тушунчалари нақадар тиниқ, муносабатлари нақадар ижобийлигини тан олиш керак. Бизнинг аждодларимиз бу каби ҳис-туйғулар ҳақида минглаб доно насиҳатларни қолдирганлар. Юқорида тилга олинган ёшларнинг бобоси, немис файласуфи Ф.Ницше ҳам: «Ҳаёсизлик ақли ожизликдан нишона», деган хулосага келган.

Демак, ўқувчи либосининг зарурият даражасига кўтарилишига биринчи сабаб - ўғил-қизларда ҳаё, ибо, ор каби хислатларни ёшлигиданоқ шакллантириб бориш.

Мактаб — таълим-тарбия маскани. Унга одамлар икки мақсадда, яъни таълим-тарбия бериш ҳамда билим ва одоб-ахлоқ ўрганиш ниятида боришади. Мақсадлар муштарак. Бу ўринда ҳар қандайин ҳоюҳавас ёки уни айрим бойваччаларнинг ўз иқтисодий аҳволини намойиш этиш учун саҳнага айлантиришга бўлган ҳаракатлари ошиқча бўлиб қолаверади. Шундай бўлмаса, у ердаги натижадан кўнглим тўлади, дея хомтама бўлманг. Ушбу муҳитни юзага келтиришда ҳам Сизга яна ўқувчи либоси ёрдам беради. Боиси, унда бутун ёшлик сурури, ғайрати ва энг муҳими одмилик мужассам. У ўқувчида кибру ҳаво, манманлик, ўзидан ожизларга нописандлик каби иллатлар пайдо бўлишининг олдини олади. Барчани бир мақсад сари, бирдек одимлашга бот-бот даъват этиб туради.

Ўқувчи либосининг яна бир муҳим жиҳати, ўқувчи билан ўқитувчи, фарзанд билан отаона муносабатларини ҳам керакли даражада ўрнатиб туришидадир. Гувоҳи бўлганим бир воқеани эслайман: бола ўртоғи кийиб келган қимматбаҳо кийимни онасига олиб берасиз, деб туриб олди. Онаизор унга курби етмаслигини тушунтиришга ҳарчанд уринмасин, бефойда. Бола болалигини қилди, унинг сўнгги хулосаси шу бўлди: «Сиз мени ёмон кўрасиз...» Шу каби хархашаю можародан сўнг боланинг ҳам, онанинг ҳам аҳволини тушунарсиз, деб ўйлайман. Иккинчи бир воқеа: ресторанда бир киши 7 ёшли қизчасининг туғилган кунини нишонлаётган экан. Бутун дабдабаю асъаса. Дастурхонда йўғидан бори кўпроқ. Қизалоқ энг сўнгги модада кийинтирилган. Бутун қимматбаҳо совғалар соҳибаси. Бир қарашда нима қипти, қурби етибдими, қандини урсин, дейишингиз мумкин. Бу ҳолнинг агар қанчадан-қанча кишиларнинг кўнглини ўкситиши, болани ғўдаклигиданоқ бедаво кибру ҳавога мубтало этишини ўйласангиз бундай хулоса чиқаришдан тийилишингиз тайин. Бир кун келиб одмигина кийинган, ҳаётнинг бутун лаззатини савобли ишлардан деб билган фидойи ўқитувчини талтайган ўқувчи «модадан орқада қолган қолоққа» чиқармаслигига ҳеч ким кафил бўлолмайди.

А.РАҲИМОВ

Суратда: «Қизил тонг» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти томонидан тайёрланган ўқувчи либослари.

ЯНА БИР МУЛОҚОТ

Ҳар бир халқнинг маънавий шаклланишида матбуотнинг ўрни катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда юртимизда чоп этилаётган газета, журналларда ёритилаётган мавзулар маънавиятимизнинг янада юксалиши учун асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Республикамизда нашр қилинаётган газета, журналлар таҳририятлари ходимлари ва мухлислар билан бўладиган учрашувлар муштарийлар учун ҳам, ходимлар учун ҳам фойдадан холи эмаслиги маълум, албатта. Ана шундай учрашувлардан бири яқинда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида бўлиб ўтди. Бу гал факультетга «Тил ва адабиёт таълими» журнали ходимлари ташриф буюришди. Журнал бош муҳаррири Раъно Толипова биринчи сўзни олиб, журналнинг бугунги кундаги ўрни, унда ёритилаётган мавзулар, адабиётимиз, айниқса, тилга бўлган муносабатлар ҳақида гапирди. Шундан кейин сўзга чиққан факультет профессори Ҳ.Жамолхонов бундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилишини, чунки бундай тадбирлар нафақат талабалар учун, балки ўқитувчилар ва матбуот ходимлари учун ҳам фойдали эканлигини айтди.

Шунингдек, бу тадбирда талабалар билан таҳририят аъзолари ўртасида савол-жавоблар ҳам бўлиб ўтди.

Шерали НИШОНОВ

Инобатхон Мансурова пойтахтимиздаги 218-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия беради. Инсонни баркамол шахс этиб шакллантиришдек юксак вазифани чин дилдан бажараётган опа ўзининг ижодкорлиги билан педагогик жамоада танилган. У доимий равишда шеърлардан парча ўқиб, донишмандларнинг фикрларидан мисол айтиб, халқ мақолларини ёдга олиб, ҳар бир дарсини сермазмун қилиб ўтишга интилади.

Файласуфлардан бири: «Тарбиячи ўз тарбияланувчиларини қандай кўришни истаса, аввало, унинг ўзи ўшандай бўлмоғи лозим», деган экан. Инобатхон опа ҳам ўз шогирдларига ҳар томонлама ўрнак бўлишни афзал билади ва улар қалбига тўғрилик, ширинсўзлик ва меҳрибонлик уруғларини сочмоқда.

Суратда: малакали ўқитувчи Инобатхон Мансурова машғулот пайтида.

АТТЕСТАЦИЯ ТЎҒРИСИДА ТЎПЛАМ

Qaror va ijro

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1998 йил 11 март) «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига бир ярим йил бўлди. Хўш, ижро қандай?

Давлат Тест Маркази жамоаси иштирокида чиқарилган Бюллетендан бу саволга қониқарли жавоб топиш мумкин. Унда мазкур қарор матни, низомлар, олий ўқув юртларини Давлат аттестациясидан ўтказиш дастури эълон қилинган.

Бугунги кунда олий ўқув юртлари фаолиятини фақат бир томонлама эмас, балки турли йўналиш ва кесимларда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳозирги талаба орадан маълум вақт ўтиб, етук мутахассисга айланиши керак. Шубҳасиз, талабаларнинг билим даражаси бўйича олий ўқув юртларини баҳолаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олганда, олий ўқув юртларини аттестациядан ўтказишда белгиланган максимал балл 2500 қилиб белгиланган. Аттестациядан ўтишга имкон яратадиган балл эса 1650 (66 %), шартли равишда ўтиш мумкин бўлган балл эса 1375 (55 %) қилиб белгиланди.

Шундай қилиб, натижалар қандай?

Республикамиздаги 32 та олий ўқув юртида давлат атестацияси ўтказилиб, шундан 20 тасидаги натижалар кишига қониқиш ҳиссини беради ва улар давлат аккредитациясига тавсия этилган. Булар орасида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (1915,7 балл), Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (1900,0 балл) энг юқори кўрсаткичга эришган бўлса, рўйхатнинг охирги ўринларида Термиз Давлат университети (1534,5 балл), Тошкент Давлат маданият институти (1996,4 балл) турибди.

Аттестация олий ўқув даргоҳининг фаолиятини баҳоловчи мезон. Бинобарин, бу иш вақтинчалик, яъни бугунимиз учунгина эмас. У эртанги малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида ўйлаб қилинаётган иш эканлигини олий ўқув юртлари ректоратлари унутмасликлари керак. Ва натижаларга холис кўз билан қараб, тўғри хулоса ясашлари лозим.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Қирғизистон ҳукумат қўшинлари жангарилар ўрнашиб олган сўнгги қишлоқ – Хўжа Очканни озод этиш бўйича ҳарбий операцияни бошлаб юборди. ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси жойдаги ҳарбийлар маълумотига таяниб, шундай хабар тарқатди. Унда таъкидланишича, айни пайтда ҳарбийлар Хўжа Очкан аҳолисини бошқа жойга кўчирмоқда.

Айрим хабарларга қараганда, Хўжа Очканда истиқомат қилувчи бир фуқаро Шибе деган жойда жангарилар қўлида гаровда ушлаб турилган япон геологларидан бирини ва Қирғизистон ички қўшинлари қўмондони генерал Анорбек Шамкеевни кўрган. Лекин илгари келган хабарларда гаровдагилар Тожикистон ҳудудига олиб кетилгани айтилган эди.

* * *

Халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг Қирғизистондаги вакили Турсунбек Охунов бир неча одамни гаровда ушлаб турган террорчилар билан навбатдаги мулоқот шу кунларда Хўжа Очканда бўлишини маълум қилди. Бу қишлоқ жангариларнинг сўнгги таянч нуқтаси бўлиб қолмоқда. Аммо Қирғизистон ҳарбийлари террорчиларни у ердан сиқиб чиқариш бўйича кенг миқёсли операцияни бошлаганидан сўнг, галдаги мулоқотнинг тақдирига ҳам соя тушди.

Т. Охуновнинг билдиришича, у Покистонда бўлиб, жангариларнинг маънавий раҳнамолари билан гаровдагиларни озод қилиш борасида фикрлашган ва куни кеча Қирғизистонга қайтган. Бу учрашувларда озгина силжишга эришилди, деди у РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирига берган интервьюсида, шу боис энди мулоқотни бевосита жангарилар жойлашиб олган ерда ўтказмоқчиман. Расмий маълумотларга кўра, Т.Охунов илгари икки марта жангариларнинг қароргоҳларида бўлган ва уларнинг бошлиқлари билан суҳбатлашган.

* * *

Гаровдагиларни озод қилиш бўйича улар билан Қирғизистон парламенти депутати Турсунбой Бакир ўғли ҳам музокарага киришган. У Тожикистоннинг Жирғатол туманидан ўтган якшанба куни Қирғизистонга қайтиб келиши керак эди. Аммо сўнгги хабарларга қараганда, депутатнинг қайтиши бир неча кун ортга сурилганга ўхшайди.

Жангариларнинг Тожикистондаги қароргоҳига бориш ва қайтиш чоғида депутат Бакир ўғлига бирлашган тожик мухолифатининг вакиллари ҳамроҳлик қилгани ҳақида хабарлар бор. Тожик мухолифлари буни "шунчаки техник воситачилик", деб изоҳлаган. Лекин аслида депутатнинг хавфсизлигини фақат Бирлашган тожик мухолифати вакилларигина кафолатлаши, шу боис ҳам улар Т.Бакир ўғлига ҳамроҳлик қилгани кундай равшан. Бу Бирлашган тожик мухолифати билан Қирғизистон жанубидаги боскинчиларнинг бир сафда турганини яна бир карра исботлайди.

(ЎзА)

* * *

Қирғизистон Республикаси жанубидаги вазият, умуман олганда, ўзгаришсиз қолаётир. Қирғизистон Куролли кучларининг бўлинмалари Зардоли ва Қўрғон қишлоқларидаги муҳим жойларни эгаллаган. Шунингдек, Қирғизистон Куролли кучлари, мамлакат жанубидаги Бирлашган қўшин ва Миллий хавфсизлик вазирлиги учун давлат аҳамиятига молик маълумотлар ва тезкор ахборотни тўплаш давом этмоқда.

Қирғизистон Республикаси Жўғурқу кенесининг Халқ вакиллари йиғини ўзининг навбатдан ташқари сессиясини бошлади. Сессия кун тартибидаги бош масала мамлакат жанубида янги – Боткен вилоятини тузишдир. Янги вилоят тузишни қатор омиллар тақозо этмоқда. Шулардан энг муҳими Тожикистон билан чегарани мустаҳкамлашдир.

Боскинчи тўдалар ҳамон Хўжа Очкан қишлоғини тарк этгани йўқ.Улар денгиз сатҳидан 3500 метр баландликдаги тепаликларга ўрнашиб олган. Уларнинг айримлари Телбе дараси орқали Тожикистоннинг Жирғатол туманига чекинмоқда. Жангариларнинг бир неча тўдаси Олой тоғ тизмасидаги Тожикистон Республикаси билан чегарадош, ўтиш қийин бўлган ерларга жойлашган.

Назорат нуқталарининг саъй-ҳаракатлари, пистирма қўйиш ва рейдлар ўтказиш ҳамда баланд тепаликларни мудофаа қилиш йўли билан, ҳукумат қўшинлари жангарилар Қирғизистон ҳудуди ичкарисига суқилиб киришининг олдини олмоқда. Боткен, Лайлак ва Қадамжой туманларида чегара бўлинмалари тузиш, уларнинг шахсий таркибини тўлдириш ишлари давом этмоқда. Чегарачилар ҳарбий навбатчиликни бажаришга киришмоқда.

Ғ.Жамолов (ЎзА)

ҚАТЪИЯТ ВА СОДДАДИЛЛИК

Агар эътибор берган бўлсангиз, полвон зоти соддадил келади. Гап бу ерда, албатта, ўз полвонларимиз, юртимиз полвонлари хусусида кетаяпти. Зеро, улар оққўнгил халқимизнинг чин ва эрка фарзандларидир. Жумладан, Алпомиш ҳам. Бугун ҳам халқимизнинг кўплаб ўғлонларида Алпомишнинг хислатларини кўргандай бўламан. Улар ҳам Алпомишдай мард, қатъиятли ва шижоатли, лекин ўз ўрнида ана шу Алпомишдай ўта соддадил, ишонувчан, бошқачароқ айтганда, кўнглида кири, шумлиги бўлмаган танти йигитлардир. Достонни яна бир эсга олиб кўринг-а...

Бойсарибий акаси Бойбўрига араз қилиб Қалмоқ сари бош олиб кетади ва унда жойлашиб қолади. «Шул вақтларда Барчин ҳам баркамол , бўйи етган». Унинг овозасини «орқаварон эшитиб, шу мусофир бойларда бир беҳаларидан Ҳакимбекнинг содда дилида қатъият пайдо бўлди: «Таёқ ўтиб эди бундай султонга, Қултойқулни чилпиб отди осмонга» ва «Узалиб Қултойнинг белидан тутди». Мана шундай куч-қувватга эга бўлган Алпомишнинг соддалиги завқли:

— «Бобо, қани ушлаб беринг!

— Қўя бер ўғлим ушлаб берайин, - деди.

— Йўқ, ётган ерингда ушлаб берасан! - деди.

— Турмасам қандай ушлаб бераман, - деди.

— Эса мени нимага бунча урасан?

Қултой ҳам заҳар чол эди. Ётган ерида бир қурҳайт тортди, тўқсон тўқайдаги йилқи йиғилиб бошига етди... Ҳакимбек қўриқни солди, ёллари эшилган ипақдай бир чипор отнинг бўйнига тушди».

Ана, энди Бойчиборни миниб «боради элнинг тўраси», ундаги шаҳду шижоатдан «гумбурлар тоғнинг дараси».

Алпомиш ана шундай полвон. Ўз элида ўта соддадил, камтарин, мулойим, аммо ёв юртида бир сўзли ва изидан қайтмасдир. Унда бир-бирига зид бўлган қатъият ва соддадиллик шундай ажиб бир тарзда омухта бўлиб кетган. Бу омухталикнинг асли халқимиз характерида жо эканлиги ажабланарли ҳол эмас. Зеро, «Алпомиш» шу халқ қалбида туғилган ва шу боис, бизга ҳамиша севимли бўлган ўлмас достондир.

Икром БЎРИБОЕВ

қиз бор эмиш, деб» қалмоқнинг тўқсон алпи ҳам «ўзавонда маслаҳат қилади: гоҳ бири олмоқчи бўлади, гоҳ бари олмоқчи бўлади...». Барчин қалмоқ алпларидан олти ойга муҳлат олиб, Алпомишга хат ёзиб жўнатди. Бахтга қарши, хат Алпомишнинг эмас, отаси Бойбўрининг қўлига келиб тегди. Бойбўри: «Баҳор бўлса тар очилган гулимни, Барчин учун юбормайман улимни», деб Алпомишни қалмоқ элига юбормаслик тараддудига тушди. Қултойга ҳам тайинлаб айтдики, «зўр ҳам бўлса, жуда қўрқоқ, сал дўқдан ҳам қўрқади ўзи, уриб-сўкиб, йилқи бермай, дўқлаб қайтариб юборгин.» Ростдан ҳам хабарни эшитиб, йилқи истаб келган Алпомиш Қултойнинг бир-икки қамчисини еб, дўқини эшитиб, «бобом урди», деб орқага қайтди. Акасининг соддадиллигини билган Қалдирғоч «булай - шулай деб Қултой дўқласа акам қайтиб келиб қўйрдан ҳам тоймас», деб изидан келиб эди, шубҳалари рост чиқди. Алқисса, синглисининг тан-

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚИ

ёки ундан қандай фойдаланаяпмиз?

(Боши 1-бетда)

Таълим ва тарбия билан шуғулланадиган барча муассасалар масъулиятини оширишни талаб қиладиган айрим хулосаларнинг туғилишининг сабабларини изоҳлаш ўринлидир. Масалан, респондентларга «Сиз ўзингизнинг жамиятдаги ҳуқуқ ва бурчларингизни биласизми?» деган савол берилганда қуйидаги жаволар олинган: «ҳа, яхши биламан» - 54,0%, «ҳа, қисман биламан» - 36,4%, «билмайман» - 9,6%. Жаволар умуман қониқарли бўлгани ҳолда, сал кам 10 фоиз респондентларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билмасликларини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу шундан далолат берадики, биринчи навбатда, ўрта умумтаълим мактабларида ушбу йўналиш бўйича тасдиқланган режа асосида пухта ўқитишни йўлга қўйиш зарур. Айни пайтда институт ва университетларнинг ўқув режаларини яна бир бор таҳлил қилиб, айрим ўзгартиришлар киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун тажрибавий ўқув режа ва дастурлар диққатга сазовордир. Жорий йилдан бошлаб касб-ҳунар коллежларида 80 соат ҳажмда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани ўқитилмоқда, академик лицейлар ўқув режасига: аниқ ва табиий фанлар, хорижий филология йўналиши бўйича 80 соат, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши бўйича 160 соат ҳажмда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани киритилган. Мазкур режалар асосида ҳуқуқшунослик фанлари номзодлари, доцентлар О.Каримова ва М.Жумаев ҳаммуаллифлигида тайёрланиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар маркази илмий-методик кенгаши томонидан жорий йилнинг 6 августида тасдиқланган тажрибавий ўқув дастури ишлаб чиқилганлиги ва амалиётда қўлланилаётганлиги, албатта, муаллимларга катта ёрдам беради. Дастур ўқувчиларга ҳуқуқий билим беришнинг кенг тармоқларини қамраб олган.

Албатта, ҳар қандай режа ва дастурларнинг бажарилиши муайян ўқув юртида қандай ўқитувчи, қай даражада билим беришига, унинг пировард натижаси эса ўқувчиларнинг билим савияси, уни ҳаётга татбиқ этишида ўз ифодасини топади. Демак, ўқув юртларини юқори малакали ҳуқуқшунос-педагог кадрлар билан таъминлаш каби долзарб вазифа билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади. Фаолият кўрсатиб турган юридик институтлари, университетлар тайёрлаётган ҳуқуқшунос-педагог кадрлар Миллий дастур кун тартибига қўйган масалаларга қай даражада жавоб бермоқда, деган савол туғилади.

Кўпгина ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида ушбу фан бўйича асосан тарих фани ўқитувчилари дарс бераётганлиги инобатга олинса, яқин йилларда ташкил этилиши режалаштирилган 1611 та касб-ҳунар коллежлари ва 181 та академик лицейларни ҳуқуқшунос-педагог кадрлар билан таъминлашдек долзарб вазифани ҳал этишга ҳозирдан киришиш зарур. Бу масала бир томондан фаолият кўрсатиб турган ўқитувчиларни ҳуқуқшунослик фани бўйича қайта тайёрлаш ва республикамиз олий ўқув юртларида ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари учун янги мутахассислар тайёрлаш йўли билан ҳал этилиши керак. Ўйлаймизки, мазкур соҳа мутаасддилари бу борада комплекс муаммоларнинг ечимини биргаликда ҳал этадилар. Бунда том маънодаги юридик таълимнинг, ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича мутахассислар, ҳуқуқшунос-педагог кадрлар тайёрлашнинг асосий тамойилларига амал қилиш керак бўлади.

Умумтаълим мактабларида болалар ҳамда ўсмирларга ҳуқуқий таълим ва тарбия беришининг долзарблиги шундаки, ҳуқуқий маърифат инсон ҳаётини, мулкини ҳимоя қилишни, жамоат тартибини сақлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ёшлар томонидан фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини, қонунга итоаткорлик меъёрлари, давлатнинг жамиятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, муассасалари, жиноятнинг содир этилиши ва унинг учун жазо муқаррарлиги тўғрисидаги тушунчалар ўзлаштириб олиниши керак. Ушбу масалаларнинг ечими вазирликлараро ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш борасида Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг ягона илмий-методик кенгашининг қай даражада самарали фаолият кўрсатишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўтказилган сўров якунида респондентларга «Сизнинг асосий ҳуқуқларингиз нималардан иборат?» ва «Сизнинг асосий бурчларингиз нималардан иборат?» деган иккита савол берилган. Бу саволлар очиқ бўлиб, респондентлар унга ўз жавобларини ўзлари шакллантирганлар. Жумладан, «Сизнинг асосий ҳуқуқларингиз нималардан иборат?» деган саволга қуйидагича жаволар олинган:

— билим олиш, меҳнат қилиш, ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқи — 49,2%;

— дам олиш, медицина хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи — 26.4%;

— бошқа жаволар — 14,8%;

— жавоб беришга қийналганлар — 9,6%.

«Сизнинг бурчларингиз нималардан иборат?» деган саволга эса жаволар рейтинг бўйича қуйидагича бўлган:

— мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш — 25,9%;

— халқ фаровонлиги йўлида билим олиш ва меҳнат қилиш — 23,6%;

— Ўзбекистоннинг миллий анъаналарига риоя қилиш — 18,6%;

— Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва ҳуқуқий нормаларига риоя қилиш — 8,4%;

— Ватанга хизмат қилиш — 4,4%;

— ота-онани ва катталарни ҳурмат қилиш — 4,1%;

— табиатни ва тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш — 3,1%;

— бошқа жаволар — 2,5%;

— жавоб беришга қийналганлар — 9,4%.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сўровномаларининг натижалари дастурлар ишлаб чиқишда эҳтимол тўлиқ холис воқеликни белгилаб бермас. Лекин мазкур масалада сўровномалар замонавий жиҳозланган ва маълум даражада олий малакали мутахассис кадрлар билан таъминланган пойтахтимизда ўтказилганлигини назарда тутсак, масалага янада жиддийроқ қараш тақозо этилиши кўзга яққол ташланади.

Шу билан биргаликда ўқувчи ва талабаларимиз айрим қонунларни яхши ўзлаштирганликларини ҳам таъкидлаш жоиз. «Сиз «Таълим тўғрисида»ги Қонун билан танишмисиз?» деган саволга сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги (85,5%) танишлигини билдирганлар, жумладан 25,2 фоизи - «тўла таниш» ва 60,3 фоизи - «қисман таниш» эканликларини билдирганлар. Шу билан биргаликда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг моҳияти, дастурни амалга ошириш борасида барча таълим муассасаларида махсус ўқувлар, тадбирлар ташкил этилган, деярли ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали маълум даражада маълумотлар берилаётган бўлса-да, 14,5 фоиз респондентлар мазкур Қонун билан танишмаганликларини таъкидлайдилар.

Бу, албатта, респондентларнинг лоқайдлигидан бошқа нарса эмас, демак, тарбиячиларимиз, ўқитувчиларимиз олдида шахс билан индивидуал шуғулланиш каби оғир ва шарафли, шу билан бирга долзарб масала кўндаланг турибди. Бу масала фуқаролик жамияти сари ташланадиган қадамни ҳаракатга келтирувчи асосий механизмлардан бири бўлиб, унинг қай даражада ижобий ҳал этилиши ўтиш даври муаммоларини бартараф этишга маълум даражада хизмат қилади.

Норқозоқ ҚУВВАТОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

ҲАМЖИҲАТЛИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Пойтахтимиздаги Байналминал маданий марказда «Миллатлараро ҳамжиҳатлик — барқарорлик омили» мавзусида илмий семинар-машғулот бўлиб ўтди. Семинарда миллатлараро муносабатларни яхшилаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ва келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида гапирилди.

Тадбирда марказ раиси Карим Расулов, фалсафа фанлари доктори Саид Шермуҳамедов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

- Юртимиз кўп миллатли. Бу миллатларни бирлаштириб, тинч-тотувлигини таъминлаб туришнинг ўзи осон эмас, - деди Саид Шермуҳамедов. - Тинч-тотувликни сақлаш учун, аввало, уларни маданий жиҳатдан бирлаштиришимиз лозим.

Семинар машғулот ишида миллатлар маданий маркази раислари, олий ўқув юрти талабалари иштирок этдилар.

Нодиржон ЮСУПОВ,
ТошДУ талабаси

ЭЪЛОН

САВДОГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

1. Халқ таълими вазирлигининг Осиё Тараққиёт банки томонидан молиявий таъминланадиган «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётлари нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси бўйича офис ва ўқув жиҳозлари таъминотини йўлга қўйиш ва юқорида таъкидланган лойиҳани амалга оширганлиги учун Контракт бўйича муносиб тўловларни тўлаш мақсадида ушбу таклифнома тайёрланди.

2. Қизиққан иштирокчилар тендерни ўтказиш билан боғлиқ қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида, лойиҳа менеджери Тугеева Гўзал Шайхиддиновнадан қуйидаги манзил бўйича олишлари мумкин: 700027, Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси — 80, 3-қават, 311-хона, тел.: 139-15-71, 139-15-73.

3. Барча қизиққан ваколатли рақобатдошлар савдо-сотиқ учун ҳужжатлар жамланмасини қуйидаги манзилга ариза жўнатиш ва тендер ҳужжатлари нархини, яъни 100 АҚШ доллари ёки тўлов тўланаётган кундаги долларга нисбатан сўмнинг марказий банк томонидан белгиланган курси бўйича сўмда тўлаш орқали қўлга киритиши мумкин. Ўзбекистонлик иштирокчилар тендер ҳужжатлари тўловини қуйидаги ҳисоб рақами бўйича амалга ошириши мумкин: 20204000500101043001, МФО: 00882 ЎзРТИА миллий банки МАБ. Хорижлик иштирокчилар эса қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкин: 20204840700101043001, МФО: 00882 ЎзРТИА миллий банки МАБ.

4. Ҳужжатларни даъвогар фирма вакиллари ўз фирмалари ишонч хати орқали лойиҳа менеджеридан юқорида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

5. Танловнинг барча таклифлари даъвогар фирмаларнинг ваколатли банклари томонидан эълон қилинган конкурс таклифлари 9000 АҚШ доллари миқдорида ёки тўлов амалга оширилаётган кунда долларга нисбатан сўмнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курси бўйича сўмдаги қиймати билан кафолатланиши лозим.

6. Барча танлов таклифлари 1999 йил 15 ноябрь соат 11.00 дан кечиктирилмасдан юқорида кўрсатилган манзилдаги офисга етказилиши шарт.

7. Жиҳозлар миқдори кўплиги ҳамда уларни ўз вақтида ўрнатишнинг қатъий вақти белгиланганлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу савдода иштирок этишни ихтиёр этганлар таклиф беришдан олдин контрактни бажариш билан боғлиқ тендер ҳужжатларида кўрсатилган квалификацион шартларни яна бир бор ўйлаб кўришлари лозим.

8. Контракт олишга сазовор бўлган иштирокчи барча тегишли экспорт қоидаларига бўйсуниши лозим.

9. Савдо ҳужжатларини учинчи шахсларга ўтказиш мумкин эмас.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

ПРИГЛАШЕНИЕ НА ТОРГИ

1. Министерство Народного образования Республики Узбекистан объявляет тендер на поставку офисного и учебного оборудования по проекту «Совершенствование системы издания учебников и учебной литературы для обшеобразовательных школ» финансируемого Азиатским Банком Развития и намеревается произвести надлежашие выплаты по Контракту, обеспечиваюшему реализацию вышеуказанного проекта, в целях которого и подготовлено настояшее приглашение.

2. Заинтересованные участники могут получить дополнительную информацию по проведению тендера в Министерстве Народного образования Республики Узбекистан у Тугеевой Гузаль Шайхидиновны Менеджера проекта, по адресу: 700027, г. Ташкент, ул. Узбекистанская — 80, 3-этаж, 311- комната, тел.: 139-15-71, 139-15-73.

3. Комплект документов для торгов может быть приобретен всеми заинтересованными правомочными претендентами направив заявку по вышеуказанному адресу и оплатив стоимость тендерных документов в размере 100 долларов США или эквивалент этой суммы в сумах по курсу Центрального банка на день оплаты. Участники из Узбекистана оплачивают стоимость тендерных документов на счет: 20204000500101043001, МФО: 00882 в ЦОО НБ ВЭД Республики Узбекистан. Для иностранных участников переводы должны осуществляться на счет: 20204840700101043001, МФО: 00882 в ЦОО НБ ВЭД РУз.

4. Документы можно получить у Менеджера Проекта по вышеуказанному адресу представителем фирмы по предоставлению доверенности.

5. Все конкурсные предложения должны сопровождаться гарантией уполномоченного банка фирмы - претендента на конкурсное предложение равной 9000 долларов США объявленной суммы или эквивалентом этой суммы по курсу Центрального банка Республики Узбекистан на день оформления гарантии.

6. Все конкурсные предложения должны быть доставлены по вышеуказанному адресу в офис срочно не позднее, чем в 11.00 после полудня 15 ноября 1999 года.

7. Поскольку объем товара большое и поставки должны быть осушествлены в намеченные сроки, предполагается, что будушие участники торгов должны тшательно изучат документы для торгов с точки зрения способности выполнить контракт и соответствия другим квалификационным условиям, указанным в тендерных документах, прежде чем дать свои предложения.

8. Участник, если ему будет присужден Контракт, должен будет подчиняться всем соответствуюшим экспортным правилам.

9. Документы для торгов передаче третьим лицам не подлежат.

THE INVITATION TO TENDER

1. The Ministry of Edication of the Republic of Uzbekistan invites the tenders for delivery of computer,network,peripheral and offise eguipment, The harware and software is fart of «The Basic Edication Textbook Development» project, financed by the Asian Development Bank.

2. Intrested participants can receive additional information on details of the tender from the Project Manager Ms Tugeyeva G.S. in Ministry of Public Edication of the Republic of Uzbekistan with address: room No. 311, 3rd floor, 80, Uzbekistan street, Tashkent, 700027, tel: 139-15-73, 139-15-71.

3. Eligible bidders can apply for a set of tender documents to the Project Manager and enclose payment of 100 US dollars or eguivalent in soum at the rate of Central bank at at the date of payment. The bidders from Uzbekistan may pay the cost the tender documents to accont: 20204000500101043001, МФО: 00882 in COD NBU of the Republic of Uzbekistan. Foreign bidders should make payment to the account: 20204000500101043001, МФО: 00882 in COD NBU — code: СВИФТ: NBFAUZ 2 X.

4. Authorized representative of company can obtain tender documents at the Project Manager office.

5. All bids should be accompanied by a bank guarantee issued by a reputable bank of the declared sum, egual to 9000 USA dollars or eguivalent of thes sum at the rate of Central bank of the Republic of Uzbekistan at the date of registration of the guarantee.

6. All bids should be dekivered on above-stated address not later than at 11.00 hours November 15, 1999.

7. As the eduipment is coupies the deliveries should be carried out according to scheduled terms. Bidders reguested to study the documents showing their ability to execute the contract and other qualifying conditions before submitting their offers.

8. The bidders, if the Contract is awarded to him, are subject all appropriate export rules and should process the necessare license for export.

9. The documents for tenders are not transferred to the third parties.

ҒОЯ БИРЛАШТИРАДИ

агар у эзгу бўлса нурли манзилга элтади

(Боши 1-бетда)

Кўриниб турибдики, ҳар бир йўналиш ўзига хос мазмун-моҳиятга эга. Аъзолар ҳам ўз қизиқишлари ва интилишларига кўра, маълум йўналишда иш олиб боришни танлаш имконига ҳам эга.

Ирода Диёрова, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари:

— Мактабимизда 858 нафар ўқувчи бор. Улардан 321 нафари «Истиқлол келажаги»нинг аъзолари. Ташкилот намунали хулққа эга бўлган, ўқиш ва жамоат ишларида ўрнак бўла оладиган 1—11-синф ўқувчиларидан иборат бўлганлиги учун ҳам унинг мактабимиз ҳаётида тутаётган ўрни беқиёсдир. Ташкилотнинг бошқарувини ўз сафларидан сайланган президенти ва ҳар бир йўналиш бўйича биттадан етакчиси ташкил этади. Ўтган қисқа муддат ичида улар ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида ўтказилган режадаги тадбирлар ўқувчи ва ўқитувчиларнинг мактабдаги ҳаётига ўзгача кайфият олиб кирди. Айниқса, ташкилот аъзоларидаги кўтаринкилик, одоб ва билимга чанқоқлик ота-оналар, маҳалла аҳли томонидан эътироф этилаётганлиги қувонарли ҳол.

Нафиса Саидалиева, «Истиқлол келажаги» ўқувчи-ёшлар жамоат ташкилотининг президенти, 8-«Б» синф ўқувчиси:

— Ташкилотимиз эндигина шаклланаётган бўлса-да, биз ўзимизни буюк келажак эгалари деб биламиз. Сафимизни пок ниятли, илмга чанқоқ, изланувчан ўқувчилар билан кенгайтириб борамиз. Токи, мактабимизнинг ҳар бир ўқувчиси унга аъзо бўлиб, ташкилотга куч бахш этсин. Ўқув йили бошлангандан буён бизни, хусусан, мени ўзгача бир ғурур ҳисси қамраб олди. Кўксимга «Истиқлол келажаги»нинг рамзини тақиб олганман. Бу бизга ҳақиқатда истиқлол келажаги эканлигимизни, масъулиятни чуқур ҳис этишимизни ҳамиша эслатиб туради, ғўё.

Яна шуни айтмоқчи эдимки, ташкилотимизнинг мақсад ва вазифалари, аъзоларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда фаолият режамизнинг моҳияти ўқишда, жамоат ишларида намуна бўлиш, ҳар қандай ижобий ташаббусларни рўёбга чиқаришда ўрнак кўрсатишдан иборат. Бунинг учун ўқиш, ўрганиш, изланиш, интилиш керак. Шундагина мустақил фикрга, кенг тафаккурга эга бўламиз. Ҳозирда биз — эртанги кун эгаларига зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётган экан, биз ҳам шунга муносиб бўлишимиз лозим.

Дарҳақиқат, сентябрь ойида «Истиқлол келажаги» беш йўналишда уюштирган «Мен шу Ватан фарзандиман», «Оламни асранг, дўстлар», «Саёҳат», «Спорт байрами» каби тадбирлар ўқувчиликнинг бугунида кескин ўзгаришлар юз бераётганидан далолатдир. Зеро, бугунги ўзгаришлар, интилишлар эртага ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Чунки бунга ишонч бор, барчани бирлаштирувчи ғоя бор.

Фахриддин КАРИМОВ

Yaxshilar oramizda

МЕҲР БИЛАН ГЎЗАЛДИР ОЛАМ

Ўзлигини англаган инсон иш жойида ҳам , маҳалла-кўйда ҳам тиниб-тинчимайди. Унинг беором қалби эзгу ишлар қилишга мойил бўлиб туради. Бундай инсонлар ўзи, оиласи, амалга ошираётган ишлари ҳақида кўп гапирмайдилар. Наманган вилояти Косонсой шаҳридаги 1-болалар боғчаси ҳамшираси Ойимхон Турсунова ҳақида ҳам худди шу фикрларни билдириш мумкин. У киши билан учрашиб, болалар боғчаси ва маҳалла хотин-қизлар қўмитасидаги фаолиятига қизиққанимизда «Эл қатори ишлаяпмиз», деди камтарлик билан.

Суҳбат жараёнида билдимки, салкам қирқ йиллик иш фаолияти давомида тарбия билан боғлиқ кўп воқеа ва мулоқотлар шоҳиди бўлган бу онахон.

— Бир куни ота-оналардан бири фарзандларининг боғчасига кўнгли йўқлиги тўғрисида гапириб қолди, - деди Ойимхон опа. — Ва уйида ҳар куни такрорланадиган бир аҳвол ҳақида сўзлади. Унинг айтишича, фарзандлари бор имкониятларини ишга солиб боғчага бормасликка тиришар эканлар. Ҳаттоки конфет, шоколад ва бошқа ширинликлар билан алдашига қарамас эканлар.

Шу суҳбатдан сўнг у анча пайттача чуқур хаёллар билан юрди. Хўш, боланинг боғчага эмин-эркин бормаслигининг сабаби нимада? Гоҳида дўқ уриб, гоҳида ёлворишга ўтилса ҳам нега ўғил-қизлар боғчадан безиб қолаётирлар. Нима етишмайди? Ёки бола уйидаги эркинликни қўмсайдими? Опа шу каби саволлар ҳақида кўп мулоҳаза қилди, ҳаётни ўрганди. Ўйлаган тарбия усулларини, ҳаётий тажрибаларидаги билганларини мудира ва тарбиячилар билан ҳамкорликда боғчага жорий қила борди.

Башарти, бошқача таъриф берадиган бўлсак, Ойимхон опа болалар дунёсини ўзича кашф қилди: бола кўнгли сезгир бўлади. У тарбияланувчининг кўнглидагини юзига бир қарашдаёқ билади.

Халқ билиб айтади: бола — фаришта. Уни алдаб бўлмайди. Балки ўғил-қизлар онгига йиллар синовидан ўтган қадрият ва удумларимизни сингдира боришимиз лозим. Шу билан бирга жойида эртак айтилса, жойида панд-насиҳат қилиб борилса, нур устига нур бўлади.

Аксинча, болажонларга «Катталарнинг ишларига аралашма», «Нега тўкиб-сочиб ейсан?», «Ёнингдаги бола ўзини бинойидек тутади, сенинг қаеринг кам!», «Сен ўзи одам бўлмайсан» каби танбеҳларни беравер-сак, тарбияланувчиларнинг ўзига ишончи йўқолади. Мустақил фикрламайдиган фақат бировнинг измида юрадиган инсон бўлиб тарбия топади.

Айни кунда биз ўғил-қизларни мустақил фикр юритишга, воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдиришга ундаяпмиз. Меҳнат фахрийси Ойимхон опа масаланинг ана шу жиҳатига кенг эътибор билан қарайди.

— Опа болалар билан эркин мулоқотда бўлади, — дейди ҳамкасби Лутфия Тўхтахўжаева, — Шу орқали ўғил- қизлар меҳрини қозонади. Яна бир гап. У салкам 40 йилдирки, ота-боболаримизнинг фарзанд тарбияси бобидаги асрлар синовидан ўтиб келаётган бой меросига, анъаналари ва урф-одатларига суянади.

Бизга Ойимхон опа Турсунова ҳақида бу каби кўп илиқ гапларни айтишди. Мухтасар гап шуки, халқ педагогикасида, хусусан, меҳр, очиқ юзлилик, самимий муносабатда бўлишлик хислатларида улкан фалсафа, ҳикмат, сир-синоат бор. Жамоада шу сингари фазилатлар ёрдамида кўплаб кичкинтойларнинг дунёқараши шакллантирилаяпти. Демак, келажакда бу ҳудуддан эзгу ишлар қилишга қодир ўғил-қизлар етишиб чиқади, дейишга тўла асослимиз. Зотан, боболаримиз меҳр билан гўзалдир олам, деб бежиз лутф қилмаганлар.

Аҳмад РАҲМАТУЛЛАЕВ

Гуллар билан тиллашиб...

БУГУН ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ БОШЛАНАДИ

Аввал хабар берганимиздек, республикамизда фаолият кўрсатаётган футбол мактаб-интернатлари ўртасидаги биринчилик мусобақаларининг ҳудудий босқичи якунланган эди. 1985-86 ва 1983-84 йилларда туғилган кичик ҳамда катта ёш гуруҳларидаги ҳудудий ғолиблар 13-18 октябрь кунлари пойтахтда бўладиган финал босқичларида иштирок этадиган бўлдилар. Уч йилдан бери ўтказилиб келинаётган ушбу анъанавий футбол турнирининг бу йилги ғолибликка асосий даъвогарлари Урганч, Ғузор, Ангрен, Фарғона, Жиззах ва Термиз мактаб-интернатлари ҳисобланади. Айни пайтда мусобақаларни ўтказиш жойи этиб, Тошкент шаҳридаги «Чилонзор» уйингоҳи белгиланди. Бугун гуруҳларда ўтказиладиган қўрға ташлаш натижаларига кўра дастлабки учрашув бўлиб ўтади. Мазкур футбол турнири тафсилотлари билан навбатдаги сонларимизда батафсил танишишингиз мумкин.

Ф.КАРИМОВ

Xullas...

ЖУРНАЛИСТ «ҚУТҚАРУВЧИ»

90-йилларнинг бошларида, яъни қайта қуриш даврида ОРТ (Россия жамоатчилик телевидениеси) экранида пайдо бўлган «Взгляд» («Нигоҳ») кўрсатувининг муаллифларидан Владимир Мукусев Сочига хизмат сафарига келган эди. «Минтақавий матбуот ва 99-йилги сайловлар» мавзусидаги семинар иштирокчиси Мукусев йиғиндан сўнг денгиз бўйида сайр қилиб юрарди.

Пляж ёнидаги «Жемчужина» меҳмонхонаси ёнида дам олувчилар сероб. Журналист сувга тушиш олдидан «Ёрдам беринглар!» деган қичқириқни эшитди. Кимдир чўкаётганлиги аниқ эди.

Мукусев ўзини сувга отди. Бу лаҳзалар шу қадар ҳаяжонли эдики... Ҳар тугул у ҳаёти хавф остида қолган кишини сувдан бир амаллаб олиб чиқди.

«Чин инсон экансиз!» дея миннатдорона жилмайди қутқарилган киши. Мукусевга шунинг ўзи кифоя...

ҚЎЗИҚОРИН ТЕРИШ ТАЪҚИҚЛАНАДИ

Брюссельдаги табиий жараёнларни мувофиқлаштирувчи институт ходимлари қўзиқорин устида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Ҳозирги вақтда бу мамлакатда сотиш мақсадида қўзиқорин йиғиш қатъий ман қилинган. Институт биолог олимлари бу дала неъматини ғамлаб қўйишга қарши. Йиғилдими, уша куниёқ истеъмол қилиниши керак. Ва шуниси ҳам борки, ҳар бир киши бир килограммдан кам миқдорда замбуруғ тановвул этсин. «Аммо урмонларнинг табиий тикланишида муҳим роль ўйнайдиган айрим қўзиқоринларни истеъмол этмай туринг! Ахир, сиздан кейин ҳам авлодлар бор!» деб уқтиради тадқиқотчилар қўзиқорин ишқибозларига.

Швейцарияда эса бу табиат эҳсонига нисбатан қатъий тартиб ҳукмрон. Ҳар ойнинг 1-ва 10-кунлари орасида қўзиқорин терганлар марҳамат қилиб жарима тўлашади. 11-кунидан бошлаб ҳар бир кишига фақат 2 кило миқдорида қўзиқорин теришга рухсат этилади.

ЙЎЛБАРСНИ ЙЎЛГА СОЛГАН ОДАМ

Москва цирки манежида шерлар қафассиз, бемалол ҳаракат қилишади. Улар томошабинларга ҳам, ўз эгаларига ҳам ташланишмайди.

Вадим Забелкин арслон билан саҳнада. Бу кунни томошабинлар орзиқиб кутганлиги аниқ. «Россия олтини» деб номланган дастур афишасининг ўзиёқ мухлисларнинг диққатини жалб қилиб қўйганди.

Мағда лақабли ўргочи йўлбарснинг «Калинка»ни ижро этиши, шернинг қарсак чалиши, сўнгра тимсоҳ ва бўғма илонларнинг саҳнада пайдо бўлиши... Барибари завқли, жиндай қўрқинчли. Аммо Вадим томошабинларни хотиржамликка ундади. Ахир, уларни ўргатиб, саҳнага олиб чиққунича цирк артистининг она сути оғзидан келганини ҳамма билади.

Инсон ақлу заковатига қойил қолаверинг! Йиртқичлар билан муомала қилишга, уларни «юмшатиш»га эришибдими, бу чинакам ирода соҳибларига хос!

ana shunaqa gaplar...

Sport

АРТУР МАВКЕИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Германияда профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган курашда фахримизга айланган Артур Григорьян тўққизинчи марта ўз унвонини муносиб ҳимоя қилди. Унинг мағлуби М.Кларк 24 учрашувнинг ҳаммасида ғалаба қозониб, 13 тасини накаут билан якунлаган эди.

БИШКЕКДАН ХУШХАБАР

Мамлакатимиз спортчилари Бишкекда ўтказилган учинчи Марказий Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, 60 дан зиёд медаллар соҳиби бўлишди. Айниқса, боксчиларимиз Т.Тулаков, И.Бердиев, Т.Иброҳимов, Р.Саидов ва Л.Зокировлар Марказий Осиё ўйинлари ғолиби бўлиб, мухлисларини шод этди.

ТУРФА НАТИЖА

Волейбол бўйича Россия чемпионатининг бу йилги натижалари анчайин ажабланарли кечмоқда. «Изумруд» жамоаси 5-тур натижаларига кўра, мағлубиятсиз пешқадам бўлса, МАСК аксинча, беш мағлубият билан жадвалга «ўзига хослик» бахш этиб турибди.

ЕВРО – 2000

Европада ўтказиладиган Евро - 2000 чемпионатининг саралаш баҳслари қизғин давом этмоқда. Иккинчи гуруҳда Греция- Албания ўртасидаги учрашув Цартас ва Георгиадеслар маҳорати туфайли 2:0 ҳисобида Греция фойдасига ҳал бўлди.

ТАЙСОН ЯНА РИНГДА

Эвандер Холифилдни «қулоққа туширишдан» шов-шув ясаган бокс юлдузи Майк Тайсон 26 октябрь куни Лас-Вегасда Орлина Норисага қарши рингга тушиши кутилмоқда. Тайсон бу учрашувда ҳам вазият ва ҳолат кўп жиҳатдан ҳакамларнинг адолат қилишларига боғлиқлигини таъкидлаган.

maydonchasi

Ko'ngil bitiklari

ЁШЛИГИМ

Юрагимда ноламсан,
Бойчечагим, лоламсан,
Мен йўқотган оламсан,
Қайдасан шўх ёшлигим,
Қайдасан бебошлигим?

Юлдузлардан йироқсан,
Энди менга фироқсан,
Дард билмаган юраксан,
Қайдасан шўх ёшлигим,
Қайдасан бебошлигим?

Қувалашиб ўғил-қиз,
Синфдошлар бўлдик биз,
Мактабларда қолган из,
Қайдасан шўх ёшлигим,
Қайдасан бебошлигим?

Энди ортга қайтмаган,
Қайдалигин айтмаган,
Мен қадрига етмаган,
Қайдасан шўх ёшлигим,
Қайдасан бебошлигим?

Маҳмуд ФАЙЗИЕВ,
Учқўприк туманидаги 9-болалар боғчаси мусиқа раҳбари

* * *

ҲАММАНИНГ МУЛКИ

Қизим Зоҳида,
Гоҳи-гоҳида,
Хархаша қилар,
Машмаша қилар.
— Ойни олиб беринг!

Ойни ҳам олиб
Берардим, аммо
Қолса яхшимас,
Олам безиё!

Ўйинчоқ ўйна,
Бу — ғоз, бу — тулки...
Ой, она қизим,
Ҳамманинг мулки.

Асрор ҚИЛИЧЕВ

QUTLOV



Ҳурматли ҳамкасбимиз Жамолиддин КАМОЛОВ!

Сизни туғилган кунингиз ҳамда меҳнат фаолиятингизга 10 йил тўлганлиги муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Ёшларнинг ўз йўлини танлашларига қўшаётган меҳнатингиз самарали бўлсин. Ҳамиша соғ бўлинг!

Сирғали туманидаги ўқувчи ва ёшлар техник ижодиёт маркази жамоаси

Ҳурматли Эркин ҚУРБОНОВ!

Сизнинг таълим-тарбияга бахшида этилган умрингиз мазмуни, саҳоатингизни олган ҳар бир шогирдингиз камолида ўз аксини кўрсатиб турибди.

Олтмишинчи баҳорингизни қаршилаб турган ушбу онларда Сизга янада куч-ғайрат, соғлик-саломатлик тилаймиз.

Хива туман халқ таълими бўлими ва 20-мактаб жамоаси

Азиз ҳамкасбимиз Шоирахон НАЗАРОВА!

Бола қўлига илк бор қалам тутқазиб ҳарф таниташ, уларни соф ва учқур фикрларни баён этишга ўргатишдек машаққатли меҳнатингиз маҳсули барчани мамнун этиб келмоқда. Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизни қутлар эканмиз, шу йўлда ҳечам толманг, соғлик-саломатлик, хуш кайфият ёр бўлсин.

Тошкент шаҳридаги 241-мактаб жамоаси

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ЎГИТЛАРИ

Олтин топмагину ўрганғин ҳунар,
Ҳунарнинг олдида хасдир олтин-зар.

* * *

Илм-ҳунарларнинг бошидаги тож,
Ҳар мушкулга шундан топилур илож.

* * *

Каттар бўл, барчани этгил баҳраманд,
Сенинг ҳам мартабанг бўлажак баланд.

* * *

Донишман, деб ғар мақтанса ҳар оқил,
Илму ҳунар бекор унга, у — жоҳил.

* * *

Мевасиз шох бошин кўтаради тик,
Мевали шох боши саломга эгик.

* * *

Ёдингдами, айт-чи, сен туғилган он,
Барча хандон эди, сен эса гирён.
Шундай яшагинки, кетар чоғингда,
Барча гирён қолсин, сен кетгил хандон.

Тўпловчи А. АЛИЕВ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қабул комиссияси Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш Давлат комиссиясининг 1999 йил 24 сентябрь 7-сон баённига биноан университетнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига ҳужжат топшириб, тест синовларида қуйидаги кўрсаткичларга эришган абитуриентларни пулли шартнома асосидаги белгиланган ўринлар квотаси доирасида қабулга тавсия этишга рухсат берганлигини маълум қилади:

№	ИХТИСОСЛИК	кундузги бўлим		сиртқи бўлим	
		баллдан	балгача	баллдан	баллгача
1	Математика(ўзб.)	96,10	68,10	144,70	97,40
2	Математика(рус)	111,30	68,10	129,90	99,80
3	Физика(ўзб.)	84,90	68,10	121,60	100,30
4	Физика(рус)	94,30	68,10	-	-
5	Кимё(ўзб.)	144,00	78,00	154,00	68,10
6	Кимё(рус)	85,40	68,10	-	-
7	Биология(ўзб.)	134,30	100,30	149,60	68,10
8	Биология(рус)	116,60	77,40	-	-
9	География(ўзб.)	109,60	71,20	137,20	98,60
10	География(рус)	104,70	70,20	-	-
11	Ўзбек тили ва адабиёти	123,90	93,20	160,00	68,10
12	Рус мактабларида ўзбек тили	126,30	68,10	-	-
13	Рус тили ва адабиёти	138,60	105,30	190,10	68,10
14	Ўзбек мактабларида рус тили	116,00	89,30	-	-
15	Тарих(ўзб.)	135,30	111,00	178,40	161,50
16	Тарих(рус)	162,70	131,10	188,60	175,10
17	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш(ўзб.)	105,70	74,50	138,50	85,00
18	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш(рус)	127,90	102,10	130,00	102,00
19	Педагогика ва психология (ўзб.)	102,80	80,00	142,30	95,30
20	Педагогика ва психология (рус)	133,80	106,00	148,10	86,80
21	Инглиз тили(ўзб.)	135,20	94,60	-	-
22	Инглиз тили(рус)	181,40	163,90	-	-
23	Мусиқа(ўзб.)	118,30	68,10	142,50	99,70
24	Чақириққача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия(ўзб.)	119,00	98,60	-	-
25	Чақириққача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия(рус)	133,40	100,70	-	-
26	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат(ўзб.)	115,50	68,10	120,70	102,80
27	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат(рус)	108,70	68,10	-	-
28	Қозоқ тили ва адабиёти (қоз.)	94,90	68,10	-	-
29	Касбий педагогик тайёргарлик(техника йўналиши)(ўзб.)	74,40	68,10	129,10	107,40
30	Касбий педагогик тайёргарлик(техника йўналиши)(рус)	73,10	68,10	106,00	92,00
31	Корейс тили	124,00	100,70	-	-

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган ТДПУ абитуриентлари ректор номига ёзма ариза билан 18 октябргача шахсан мурожаат этишларини сўраймиз.

Маълумотлар учун телефон рақами: 55-70-27

Университет қабул комиссияси

Газетамизнинг навбатдаги сони 20 октябрь куни чиқади

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва Тарих факультети меҳнат жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди **Мирвоҳид МИРПЎЛАТОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига ва яқин қариндошларига таъзия билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0821. Тиражи 23762. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.30.